



1. Усманийлар салтанатида султон кабулига кириш ва конунсизликдан шикоят килишга имкон топа олмаган одамлар охирги восита – «олов билан илтимос»га (ateş istigasası) мурожаат килган. Улар султон саройини кузатиб бориб, унинг ойна ёнида ўтирган фурсатини пайт пойлашга мажбур бўлган. Шунда улар ўз кайигида ўт ёккан – бу умидсизликда колган ва адолат излаётган киши султондан ёрдам сўраётганини англатарди. Падшоҳ шу захотиёк уни хузурига чорларди.
2. Танзимат давригача (1839-1876 йиллар ислохоти) олий жамият вакиллари исталган пайт уларга тегишли бўлган ёки ижарага олинган Босфор соҳилидаги саройларда жойлаша олмасди. Улар ҳукуматни ёзда қайси саройда яшаши ҳақида олдиндан огоҳланириши керак эди. Об-хаво шароитларига қараб рухсат бериларди. Усиз Истанбулни тарк этиш мумкин эмас эди.
3. Танзимат давригача султондан ташқари яна фақат уч киши – шайх-ул-ислом, Болкон козиаскари (ҳарбий-суд табақа раҳбари) ва Анатолия козиаскари Истанбулда отда юриш ҳуқуқига эга эди. Вазирлар ва давлат хизматчилари фақат уларга шундай имтиёз берилгандагина бу ишни қилиши мумкин эди.
4. Усманийлар даврида овқат порциялаб эмас, узунлиги, вазни миқдори бўйича ва бўлаклаб сотиларди. 1640 йил нархлар реестрига қўра шиш-кебаб (қабоб) аршинлаб, димланган гўшт, қушбашы-қабоб, палов – вазни бўйича, қарамли дўлма эса – доналаб сотилган.
5. Ҳуфтон намозидан кейин «адабсиз нарсанинг гувоҳи бўлиб қолмаслик» учун қўчага чиросиз чиқиш тақиқланган. Бу тақим Мурод IV даврида энг қаттиқ риоя қилинган – қоидабузарларга нисбатан қаттиқ жазолар қўзда тутилган.
6. XIX аср бошларда олий доираларда ҳашаматга бўлган мода тарқалди. Тансиқ таомларга қатта миқдордаги маблаглар сарфланарди. Ошпазларининг маҳорати билан мактаниб, одамлар дабдабали зиёфатлар уюштирарди. Бу эса халқ орасида давлат бошқарувчиси (қажия) Нишанджи Халет-эфендига қарши норозиликка олиб қелди. Шунда у биринчи навбатда, озик-овқатда исрофгарчиликни тақиқлайдиган фармон имзолади.

Фармонда куйидаги буйрук ҳам бор эди: «... Исрофгарчилик гуноҳ саналади. Шу кундан бошлаб уйларда 5-7 хил таом тайёрлашга рухсат этилади, 7 дан ортик таом тайёрлаш тақикланади ...»

7. Султон Сулаймон I Буюкнинг жаноза намози уч марта ўқилган. У 1556 йил Шаркий Венгрияга юриш пайти, Сигетвар калъасини камал қилиш вақтида ўлган. Унинг ўлганлиги қўшиндан сир тутилган ва биринчи жаноза намози штабда, иккинчиси – Белградда, отасининг майитини қарши олишга чиққан Селим II иштирокида, учинчиси эса – Истанбулда, Сулаймония масжиди олдида ўқилган. Айтишларича, жанозани 500 та имом ўқиган ва унда бутун шаҳар қатнашган Истанбулдаги Фатих масжидигача барча қўчалар одамларга тўла бўлган.